# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 15-YANVAR, SESHANBA, 6 (8087)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Дўстлик туманидаги “Агротехсервистаъминотчи” МЧЖнинг марказий устахонаси шу кунларда ҳар қачонгидан гавжум. Ишчилар ғалла ўриш комбайнлари, чопиқ тракторлари, экиш сеялкалари ва культиваторларни ўта синчковлик ҳамда кунт билан созлашиб, малакали таъмирлаш конвейери бунёд этишган. Конвейердан чиққан техникалар алоҳида бўяш-пардозлаш гуруҳи томонидан сифатли бўялмоқда. 2



Мевали дарахтларнинг совуққа чидамлилиги унинг физологик ҳолати, ёши, ривожланишининг қандай кечиши ҳамда парваришдаги агротехник тадбирларга боғлиқ. Ўсимлик тўлиқ чиниқсагина, ҳар қандай совуққа бардош бера олади. 3



Халқ банки томонидан фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ўзларининг ҳисобрақамларида йиғилган маблағларига аҳоли учун қулай ставкалар бўйича фоизлар ҳисобланиб қўшиб келинмоқда. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

### Куннинг муҳим воқеалари

► Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

► **Термиз шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг олий ўқув юртлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Термиз давлат университети, Тошкент автомобиль-йўллар институти ва Сурхондарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

► Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўтказилган “Delhi International Open Chess Festival – 2013” мусобақасида тажрибали халқаро гроссмейстеримиз Марат Жумаев янги мавсумдаги дастлабки совринини қўлга киритди. Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан 105 нафар шахматчи куч синашган мусобақада ўзбек спортчиси олти ғалаба ва уч дурангга эришиб, 7,5 очко билан кумуш медалга сазовор бўлди.

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БАЙРАМИ

## ШУ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

**14 январь. Мустақиллик майдони. Бу ерда Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг вакиллари тантанали тарзда саф тортди.**



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

...Ватан ҳимоячилари ҳарбий оркестр мусиқа садолари остида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Бу анъана замирида халқимиз учун истиқлол йилларида эришилган тинчлик-осойишталик, фаровонлик энг бебаҳо бойлик экани мужассам. Ушбу буюк бойликни асраб-авайлаш эса энг шарафли ва фахрли касб эгалари – Ватан ҳимоячиларининг муқаддас бурчидир.

Мустақиллик йилларида замонавий, ихчам, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимизни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир яхши қуролланган миллий армиямизни ташкил этишга қаратилган улкан ишлар босқичма-босқич амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида миллий армиямизни ислоҳ этиш йилларида изчил амалга оширилган туб ўзгаришлар қайд этилган, бу борадаги энг долзарб вазифалар белгилаб берилган.

...Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Ушбу тантанали дақиқаларда миллий куч-қудратимиз, буюк аждодларимизнинг юксак заковати ва мустаҳкам иродаси кўз олдимизда намоён бўлади. Ватан ҳимоячилари қалбида ягона Ватанимиз – Ўзбекистон билан фахрланиш туйғулари жўш уради. Улар ҳарбий оркестр садолари остида Мустақиллик майдонидан шаҳдам қадамлар билан тантанали саф тортиб ўтади.

Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида бўлиб ўтган байрам тантаналарида давлатимиз раҳбарининг байрам табригида Ватан ҳимоячилари олдига қўйилган энг муҳим вазифалар таъкидланди.

– Президентимизнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътиборидан миннатдормиз, – дейди «Мардлик» ордени соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисми секция командири, сержант Абдували Абдураҳмонов. – 2012 йилда таъсис этилган бундай юксак мукофотга биринчилар қаторида сазовор бўлганимдан беҳад хурсандман. Билдирилган юксак ишончга жавобан биз, ҳарбийлар бундан буён ҳам назарий ва жанговар тайёргарлигимизни мунтазам ошириб, Ватанимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

## ЮРТНИНГ ЖАСУР ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан қатор тадбирлар ўтказилди.**

— Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини янада кучайтириш мақсадида уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, турли танлов ва спорт мусобақалари бўлиб ўтди, – дейди Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари Санам Аразова. — Жумладан, Нукус қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида “Ватаним тақдири — менинг тақдирим” мавзуида ёш офицерлар билан ўтказилган учрашув ёшларда катта таассурот қолдирди. Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Нукус шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳар Мудофаа бўлими, “Маҳалла” жамоат фонди шаҳар бўлими, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбир ўқувчиларнинг ҳарбийлик соҳасига бўлган қизиқишларини янада оширди.

Шунингдек, Манғит ва Тўрткўл академик лицейларида “Ўзбек йигити – мустақиллик посбони”, “Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир” мавзуларида учрашувлар ташкил этилди.

Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Беруний тумани кенгаши томонидан “Ватан фидойи фарзандларини унутмайди” шиори остида ўтказилган хайрия тадбирида эса хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига совғалар топширилди.

Бундан ташқари, ташкилотнинг Кегейли тумани кенгаши томонидан 55-умумтаълим мактабида “Тинчлик ва осойишталик учун курашиш керак”, Шуманай тумани кенгаши томонидан туман Агросервис касб-ҳунар коллежида “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – юрт тинчлиги ва хавфсизлигининг кафолатидир” мавзуларида ўтказилган давра суҳбатларида ҳам мамлакатимиз мудофаасини мустаҳкамлаш, мард ва жасур юрт посбонларини тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ибратли ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

▼ ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ ЎЙЛАРИ

Қашқадарё Вилояти

## ФЕРМЕР — ҚИШЛОҚНИ ОБОД ЭТАДИГАН ЕТАКЧИ КУЧ

**Абдимурод БОЗОРОВ,**
**Қамаши туманидаги “Бозор ўғли Абди” фермер хўжалиги раҳбари.**

**Ер элни боқади. Уни қадрлаган, меҳрини берган инсон кам бўлмайди. 2012 йилда ана шу асосда иш тутиб, ютуқларимизни кўпайтирдик. 61 гектар майдонда ғўзанинг “Бухоро-102” навини парваришлаб, 42 центнердан пахта ҳосили олдик. Пахтачиликдан ялпи даромадимиз 150 миллион сўмни, соф фойдамиз 72 миллион сўмни ташкил этди. 60 гектар майдонда эса ғалла парваришладик.**

Гектаридан 55 центнердан ҳосил олиб, 40 миллион сўмга яқин фойда кўрдик. Фермерлик туфайли оилаларимизнинг моддий манфаатдорлиги ошди. Даромадимизга янги уйлар қуриб, қўша-қўша тўйлар қиляпмиз. Рўзғоримиз бут, турмушимиз обод.

2012 йил фермерлик ҳаракатида янги босқични бошлаб берди. Президентимизнинг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармони асосида жойларда Фермерлар кенгашларига асос солинди. Фармонда фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга, ресурстежовчи агротехник тадбирларни кенг жорий этишга ҳамда кўптармоқлиликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги ғайратимизни оширди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда режаларимиз бисёр. Хўжалигимизда асаларичилик тармоғини ташкил этиш ниятидамиз. Шунингдек, “Агробанк”нинг моддий кўмаги ёрдамида сут ва мевани қайта ишлашни йўлга қўймоқчимиз. Натижада қўшимча 30 та янги иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, 6 та техникамиз сафига яна 2 та замонавий техника олмоқчимиз.

2013 йил Президентимиз ташаббуси билан “Обод турмуш йили” деб эълон қилинди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда Чим қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 50 нафар фермер ўзаро масלаҳатлашдик. Қишлоқ ҳудудидаги 20 километрга яқин йўлларни тартибга келтириб, умумтаълим мактаблари ва ҚВПларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатмоқчимиз. Қишлоқ кўчаларига мевали ва манзарали дарахтлар экиб, уни обод масканга айлантирамиз. Зеро, бугунги фермер қишлоқнинг олд кишисига, қишлоқни обод этадиган етакчи кучга айланиши лозим.

Сирдарё Вилояти

## ҲАРБИЙЛАР УЧУН ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР

**Президентимиз томонидан Ватан ҳимоячиларига кенг шарт-шароитлар яратиб берилганлиги зобитларимизнинг салоҳиятини, ҳарбий хизматга—бурчга бўлган садоқатини янада оширмоқда.**

Гулистон шаҳри “Маданият” маҳалласида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ёш ҳарбий оилалар учун ҳар бири 24 хонадондан иборат кўпқаватли уйларнинг калитларини эгаларига топширилиши катта байрам тантанасига айланиб кетди. Тадбирда сўзга чиққан “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Ўтбосар Абдиев, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг раиси Ғайрат Ҳусаиновлар ҳарбийларни қутлуғ байрам ҳамда янги уй соҳиби бўлганликлари билан муборакбод этди.

— Умр йўлдошим — сержант Шуҳрат Маматқулов иккимиз янги уй эгаси бўлганлигимиздан бугун жуда бахтиёрмиз, — дейди шаҳардаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Умида Маматқулова. — Бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган: жумраклардан иссиқ, совуқ сув келиб турибди. Яна олдимизда турли савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам бор. Бизга, ёш зобитлар оилаларига қулайликларни яратиб бераётган Юртбошимизга минг бора раҳмат.

Тадбирда вилоят ҳокими О.Ашурматов иштирок этди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

* * *

Қашқадарё Вилояти

Қарши шаҳрида 48 хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли замонавий турар-жой биноси фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қурилиш бошқармаси буюртмаси асосида бунёд этилган ушбу турар-жой биноси меъморчилигимизнинг энг сўнгги ютуқлари асосида қад кўтарди.

Мазкур объектнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган маросимда сўз олганлар давлатимиз томонидан ҳарбийлар, уларнинг оилаларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида алоҳида тўхталдилар. Биргина сўнгги уч йил давомида Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг Жанубий-Ғарбий округида 2 та 32 хонадонга мўлжалланган турар-жой бинолари ишга тушди. Айни пайтда 2 та 48 хонадонга мўлжалланган турар-жойлар қурилиши давом этяпти. У мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами арафасида ўз эгаларига топширилади.

Тадбирда вилоят ҳокими Т.Жўраев иштирок этди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

▼ ИРРИГАЦИЯ

Бухоро Вилояти

## ИНВЕСТИЦИЯ ЯРАТАЁТГАН ҚУЛАЙЛИК

**Қишлоқ хўжалигида кўзланган мақсад ва натижаларга эришишда сув таъминоти муҳим ўрин тутади. Шу боис, сўнгги йилларда Бухоро вилоятида янги насос станцияларини қуриш, мавжуд ва узоқ йиллар давомида ишлатилганларини эса техник жиҳатдан таъмирлаш-тиклаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Шу мақсадда давлат бюджети, хорижий инвестиция ҳамда грант маблағларидан мақсадли фойдаланилмоқда. Жумладан, давлат маблағи ҳисобидан 1996 йилда “Қоровулбозор-10” насос станцияси, 2004 йилда “Жарқоқ” насос станцияси қуриб ишга туширилди. Натижада Қоровулбозор туманининг 2250 гектар экин ерларини суғориш имконияти яхшиланди.

Президентимизнинг 2008 йил 17 январдаги Қарорига асосан ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида “Қуйи-Мазор” насос станциясини қайта тиклаш ишлари 2008-2012 йилларда амалга оширилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 15540 АҚШ долларига тенг бўлиб, бунда ОПЕК жамғармасининг улуши 12000 АҚШ долларини ташкил этди. Бу ерда амалга оширилган ишлар натижасида “Қуйи-Мазор” насос станциясидаги сузувчи насос агрегатлари қирғоққа кўчирилди ва иш муддатини ўтаб бўлган агрегатлар ўрнига замонавий, ресурстежамкор агрегатлар ўрнатилди.

2013-2017 йиллар давомида “Ҳамза-1”, “Ҳамза-2”, “Қуйи-Мазор” ва Қизилтепа насос станцияларини чет эл инвестициялари ҳисобидан реконструкция қилиш режалаштирилган бўлиб, бу борадаги ишлар учун сарфланадиган жами маблағ 300 миллион АҚШ долларини ташкил қилади.

Яқинда Қоракўл ва Олот туманларини сув билан таъминлашга хизмат қиладиган “Қоракўл” насос станцияси таъмирлаш-тиклаш ишлари ниҳоясига етказилди. 2011 йил 6 июлда Президентимизнинг Бухоро вилоятида “Қоракўл” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳасини амалга ошириш учун Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг беғараз ёрдамидан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, Хитойнинг “Zhong Yuan China IPPR International Engineering Corp” компанияси билан тузилган шартнома бўйича жами 14 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ишлар бажарилди. Бунда хитойлик ҳамкорларнинг улуши 7,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Таъмирлаш-тиклаш жараёнида “Қоракўл” ҳамда “Ёрдамчи Қоракўл” насос станцияларидаги иш муддатини ўтаб бўлган 4 та ОПВ 16-110, 2 та ОП 6-110 ва 3 та 48 Д 22 русумли насос агрегатлари замонавий, ресурстежамкор 6 та ZLT 1300-1150E ва 3 та SX-1100 русумли агрегатлар билан алмаштирилди. Насос станциясининг қайта тиклаш жараёнидан олдин сув чиқариш қуввати соатига 154 минг 440 метр кубни, электр энергияси сарфи эса 8000 киловаттни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда унинг сув чиқариш қуввати соатига 174 минг 600 метр кубга, электр энергияси сарфи эса 6920 киловаттга тенг бўляпти. Ёки қайта тиклаш жараёнидан сўнг насос станциясининг сув чиқариш қуввати соатига 20160 метр кубга кўпайиб, электр энергия сарфи соатига 1080 киловаттга камайди.

Иншоотнинг иш жараёни тўлиқ компьютер орқали бошқарилиши ва маълумотларнинг марказий таблода акс этиб туриши мутахассислар учун янада қулайлик туғдиради.

— Сир эмас, туманимиз ва қўшни Олот тумани фермерлари ҳар йили дала-деҳқончилик ишларида сув танқислигидан азият чекишарди, — дейди биз билан суҳбатда Қоракўл тумани Фермерлар кенгаши раиси Донишғулом Қуччиев. — Шу муаммо сабаб аксарият хўжаликларда кўзланган ҳосил хирмонларини яратиш имкони бўлмасди. Насос станциясининг қайта ишга туширилиши фермерларимизнинг кўнглидаги иш бўлди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Андижон вилояти

ЧОРВАЧИЛИК

# МАҲСУЛДОРЛИК ҲАМ, МАНФААТДОРЛИК ҲАМ ОШМОҚДА

## БУ ЧОРВА НАСЛИНИ ЯХШИЛАШ, ОЗУҚА, ТЕХНИКА ҲАМДА КАДРЛАР БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОМИЛИДИР

**Асака туманидаги "Турғунбой Шокиров" наслчилик фермер хўжалиги раҳбари Исроилжон Шокиров етти йил олдин собиқ ширкат хўжалигининг сут-товар фермасини ким ошди савдосида сотиб олганди. Ўшанда фермада 301 бош қорамол бор эди. Аммо уларни боқиш учун шароит етарли эмасди. Оддийгина озуқа ҳам етишмасди, шу боис ҳам кунига соғиб олинаётган сут миқдори 20 килограммдан ошмасди.**

Исроилжоннинг ака-укаси кўп. Улар ҳам ёрдамга ошиқишди. Бамаслаҳат қилинган иш ўз натижасини бера бошлади. Дастлаб етти гектар, сўнгра яна қўшимча ер ажратиб берилди. Ака-ука Набижон, Ғанижон, Каримжон, Исроилжон, Илҳомжон Шокировларнинг барчаси олий маълумотли. Шу боис, ишни ташкил этишга илмий ёндашишди. Чорвачилик ва озуқа экинлари бўйича билимларини оширишди. Шу орада вилоят "Насл хизмат" МЧЖ раҳбари Адҳамжон Ғозиевдан чорва наслини яхшилаш борасида маслаҳат сўрашди. Унинг, қолаверса, тажрибали осеменатор Турсунбой Бозоровнинг тавсияси билан "Швиц" наслли молларни кўпайтиришни маъқул топишди.

Айни пайтда фермада манзара тамомила ўзгарган. Кунига ёғлилик даражаси 4,5 фоиздан кам бўлмаган 1100 килограммгача сут соғиб олинмоқда. Бир бош соғин сигирга ўртача 12,5 килограмм сут тўғри келяпти. Жумладан, Раъноxон Режапова парваришидаги "Роҳатой" лақабли сигир 32 килограмм, Ҳафизахон Мусаеванинг "Оқтош" лақабли сигири 34 килограммдан сут бермоқда. Энг муҳими, кунига 20-25 килограммдан сут бераётган говмишлар сони ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси маҳсулдорлик ошиб бораётганидан далолат.

— Бунинг асосий омили чорва наслини яхшилашда, — дейди Адҳамжон Ғозиев. — Беш йиллик меҳнатимиз натижасида чорва подамизда жайдари сигир деярли қолмади. Осеменатор Турсунбой Бозоровнинг саъй-ҳаракатлари самара берди. 2012 йилда ҳар 100 бош сигирдан 102 тадан соғлом бузоқ олинди. Бу қорамолчиликда жуда юқори натижа ҳисобланади. Ҳозирда сигирлар гуруҳига ўтказиш учун 50 бош ғунажин алоҳида парваришланмоқда. Демакки, фермер хўжалигида зотли сигирлар янада кўпаяди.

Ушбу фермер хўжалигида илғор тажриба ва фан ютуқларига эътибор қаратилади. Ҳозирда ака-ука чорвадорлар бузоқларнинг шохини ривожлантирмаслик борасидаги тажрибаларга эътибор қаратишган. Бунинг боиси шундаки, бузоқ томонидан ўзлаштирилаётган озуқанинг 30 фоизи эндигина чиқиб келаётган шох ривожига сарфланар экан. Хорижда бузоқ туғилиб, 10-15 кун ўтгач, шохининг ривожини тўхтатадиган амалиёт қўлланилади. Бу бузоқнинг тез етилишига хизмат қилади.

"Турғунбой Шокиров" фермер хўжалигида айни кунда 348 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Экин майдони эса 88 гектар. Ўртача бир бош қорамолга салкам 40 сотихдан экин майдони тўғри келмоқда. Аслида наслчилик йўналишидаги чорвачилик фермер хўжалиги талабига ушбу миқдордаги ер майдони тўғри келмайди.

– Польшада хизмат сафарида бўлдик, – дейди фермернинг акаси Ғанижон Шокиров. – У ердаги фермер хўжаликларидан ўрганганимиз, хулосаларимизда озуқа етиштириш технологиясини янгилашга қарор қилдик ва амалий ишга киришдик. Энг аввало, озуқа рационини бойитишга қарор қилдик. Шу мақсадда қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Маъмурахон Манноповадан маслаҳат олдик. Маъмурахон опа озуқа ва мойли экинлар агротехникаси бўйича катта илмий тажрибага эга. У кишидан соя экинининг фойдали эканлиги ҳақида билиб олдик. Жумладан, соя дони таркибида 22 фоиз ёғ бор экан. Оқсилга бойлиги билан тенги бўлмаган соя кунжарасининг қуввати пахта кунжарасига нисбатан 7 баробар кўп. Пояси ҳам кучли озуқа ҳисобланади. Энг муҳими, тупроқ қувватини оширади. Маъмурахон опа даламизга келиб 1 гектар ерга соя экиб берди. Ҳосилдорлиги 58 центнер бўлди.

Шундай қилиб фермер хўжалигида озуқа етиштириш технологияси қисқа муддатда янгиланди. Айни вақтда 12 гектар ерда беда, 8 гектар ерда қизилча парвариш қилинади. Қолган майдонга оралиқ экин сифатида етти хилдан иборат бўлган тритикали, сули, перко, рапс, нўхот, арпа, буғдой экилади. Апрель ойининг охири, май ойининг бошида "Ягуар" комбайни билан йиғиштириб олиниб, сенаж босилмоқда. Шундан сўнг, ер шудгорланиб, маккажўхорига кунгабоқар ва соя қўшилиб экилмоқда. Ҳосилдорлик қўшиб ҳисоблаганда 900 центнерга тўғри келмоқда. Барча экинлар ҳосилдорлиги ҳисобланганда ҳар гектар ердан 10 тоннадан зиёд озуқа бирлиги олинмоқда. Ушбу кўрсаткич бугунги кунда рекорд натижа ҳисобланади.



Яқинда 16 ойлик наввос 600 килограммга яқин тош босди. Ўша наввосга шу вазнга келгунга қадар 1 килограмм ҳам омихта ем, кунжара, шелуха берилмаган. Фақат ширали ва витаминларга бой сенаж ва силос билан боқилган. Демакки, озуқа мустаҳкамлигини таъминлаш борасидаги ишлар натижа бермоқда.

Ўтган йилнинг охирларида "Насл хизмат" орқали хўжалик 29 бош "Гольштин-фриз" зотли ғунажинларни польшалик ҳамкасблардан сотиб олди. Мазкур ғунажинлар зоти ҳам ўта маҳсулдорлиги, энг муҳими, табиий озуқлар билан парвариш қилишга мослашганлиги билан ажралиб туради.

Изланган, интилган мақсадига етади. Изланишдан чарчамайдиган ака-ука чорвадорлар хўжаликнинг бўш биноларидан бирини паррандада боқишга мослаштиришди. У ерда ҳозир 3000 та товуқ боқилмоқда. Шунингдек, малакали кадрлар тайёрлаш борасида ҳам ҳаракатлар олиб борилмоқда. Фермернинг жияни Хушнудбек Андижон қишлоқ хўжалик институтининг зооветеринария йўналишида сўнгги босқичда таълим олмоқда. Унинг бўш вақти хўжаликда ўтади. Отабек ва Шукурбек исмли жиянлари эса Марҳамат қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида зооветеринария соҳаси бўйича таҳсил олишди. Улар ҳозир фермер хўжалигида ишлашмоқда.

– Биз фермерларга яратилаётган шароит ва берилаётган имтиёзлардан мамнунмиз, – дейди фермер. – Келинг, бир мисолни айтиб берай. Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида берилган имтиёз эвазига 62 миллион сўм ўзимизда қолди. Ана шу имтиёз боис чопиқ ва транспорт тракторларига, тиркамаларга ҳамда тележкаларга эга бўлдик.

Хўжалик ҳовлисида замонавий ва юқори унумга эга тракторга кўзимиз тушди. Ушбу трактор яқиндагина лизингга олинибди. Фермернинг режаси замонавий "Ягуар" русумли озуқа ўрадиган комбайн сотиб олиш. Бунинг учун ҳужжатлар тайёрланяпти.

Хўжаликда озуқа, техника ҳамда мутахассислар базасининг мустаҳкамлиги ривожланиш омили бўлмоқда. Келгусида гўшт ва сутни қайта ишлаш ҳам режада бор. Демакки, кўптармоқлилик тараққий этади. Буларнинг барчаси бир мақсадга – янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли дастурхони тўкинлигини таъминлаш, қишлоқни обод этишга хизмат қилади.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




Бухоро вилояти

## "Нисо"да
### коллеж ўқувчилари амалиёт ўтайди

**Шофиркон тумани марказида "Нисо" деб номланган маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга туширилди.**

Тадбиркор Фотима Хўжаева томонидан барпо этилган мажмуа туман марказига кўрк бағишлади, аҳолига қулайлик яратди. Йигирмага яқин янги иш ўрни юзага келди. Мажмуада гўзаллик салони, суратхона, тикувчилик ва патдўзлик цехи, теле ва видео ускуналарини таъмирлаш устахонаси, дорихона, озиқ-овқат ва қурилиш моллари савдо дўкони фаолият кўрсатмоқда.

Фотима Хўжаева тумандаги Маиший хизмат касб-ҳунар коллежи билан ўқувчиларнинг мажмуада амалиёт ўташи юзасидан шартнома тузди. Унга кўра, ҳар йили коллежнинг 30 нафар ўқувчиси бу ерда амалиёт ўташи кўзда тутилган.

– Коллеж билан ҳамкорлик ўрнатишимиз биз учун ҳам манфаатли, – дейди тадбиркор. – Мажмуамизда ўз касбига меҳр қўйган ёшларга ҳар доим эҳтиёж бор. Хоҳиш билдирганларини иш билан таъминлаймиз. Ҳозирги кунда ҳам ишчиларимизнинг асосини ёшлар ташкил қилади.

**Ҳамроз АЛИ**

Наманган вилояти

## Фермерлар ўқуви

**Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида юз бераётган янгиликлар, қўлга киритилаётган илм-фан ютуқларидан хабардор этиш ва ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш мақсадида вилоятдаги фермер хўжалик раҳбарлари учун бир ҳафталик ўқув-машғулотлар ўтказилди.**

Машғулотлар вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган жадвал асосида ташкил этилиб, дарс жараёнлари кўргазмали қурол ва видео проекторлардан фойдаланган ҳолда олиб борилди. Фермерлар ҳафта давомида пахта, ғалла, пилла, такрорий экин етиштириш агротехникасига оид назарий ва амалий ўқув-машғулотларида фаол иштирок этишди. Интерфаол дарс жараёнларида ўзаро фикр алмашиб, билим ва тажрибаларини янада бойитишди. Ўқув-машғулоти якунида тест синовлари ўтказилиб, сертификатлар топширилди.

Ўқув-машғулот давомида "Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси" фильми намойиш этилди.

Вилоят касаба уюшмаси томонидан 55 нафар илғор фермерларга сиҳатгоҳларга йўлланма берилди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

Навоий вилояти

**Навбаҳорлик Нажмиддин Рўзиев 1999 йилда фермерлик фаолиятини бошлаганди. Уч кишидан иборат "Мухтор ота" фермер хўжалиги учун чўл ҳудудидан 10 гектар ер ажратиб берилди.**

## ЯНГИ МАҚСАДЛАР САРИ

— Ўша йили барча майдонга ғалла эксак-да, ҳосил ололмадик, — дейди Нажмиддин Рўзиев. — Сабаби, йиллар мобайнида экин алмашлаб экилмаган, қолаверса, сув ниҳоятда тақчил эди. Лекин руҳимиз тушмади. Имкон изладик. Бу — ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ўз техникамизга эга бўлиш эди. Мана бугунга келиб мақсадимизга эришдик. Еримиз ҳосилдор, қишлоқ хўжалиги учун керакли техниканинг барча тури бор. Бунинг асосий омили мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида фермерлар учун яратилган беқиёс имкониятлар, имтиёзлар деб биламан.

Бугунги кунда эса фермер хўжалигининг экин майдонлари 140 гектардан иборат. Ўтган йили давлатга топширилган ғалла миқдори 170 тоннани ташкил этди. Яна 100 тонна дон фермер хўжалиги ихтиёрида қолди. Бу моддий манфаатдорлик ошаётганидан далолатдир.

Пахтачиликда эришилаётган ютуқлар ҳам ғаллачиликдаги каби қувончли. Ҳар йили ҳосилдорлик режада белгиланганидан 3-4 центнерга ошяпти.

Бугун Н.Рўзиев бошлиқ "Мухтор ота" фермер хўжалиги жамоаси 67 нафар кишидан иборат. Уларнинг 11 нафари сувчи, 3 нафари тракторчи. Улар шу кунларда дала бошига маҳаллий ўғит жамғариш билан банд. Бу 2013 йилдаги янги зафарлар сари қўйилаётган қадамлардан далолат беради.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах вилояти

ҚИШ ФАСЛИ — ИШ ФАСЛИ

# ТЕХНИКА СОЗ — МАШАҚҚАТ ОЗ

**Дўстлик тумани деҳқонлари сўнгги йилларда пахтачилик ва ғаллачиликда катта ютуқларга эришиб, туман иқтисодиётини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётир. Буни республика пахтакор ва ғаллакорларининг 2011 ва 2012 йилларда эришган юксак меҳнат ғалабалари муносабати билан Юртбошимиз йўллаган табрикларида туманнинг илғорлар қаторида эътироф этилганида ҳам кўриш мумкин.**



*Созловчи Нўъмонжон Узоқов.*

Туман деҳқонлари 2011-2012 йилларда пахта ҳосилдорлигини 2010 йилдагига нисбатан 4 центнерга, ғалла ҳосилдорлигини 10 центнерга оширишга муваффақ бўлишди. Ўтган йили 53 минг тонналик пахта, 41 минг тонналик ғалла хирмони бунёд этилди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилди.

— Туманимиз фермерлари деҳқончиликдаги аксарият ишларни техникада бажараётгани боис, юқори натижаларга эришмоқдалар, — дейди туман "Агротехсервистаъминотчи" масъулияти чекланган жамияти раиси Ориф Сиддиқов. — Масалан, ер тайёрлашдан тортиб, экин экиш, парваришлаш, озиқлантириш, ўриб-йиғиш ва ташишгача бўлган барча ишлар техникада бажарилмоқда.

Сўнгги йилларда пахтакорларимиз ҳосил йиғим-теримини ҳам имкон қадар кўпроқ машиналар зиммасига юклашга ҳаракат қилишяпти. Бунинг учун ғўзаларни калтабўғин ва машинабоп қилиб ўстирмоқдалар. 2011 йилда 8 минг тонна, 2012 йилда 11 минг тонна "оқ олтин" машиналар ёрдамида терилди. Техника воситаларини унумли ишлатиш, уларни деҳқонларнинг қўл ва қанотига айлантириш учун қишки таъмирлаш-созлаш ишларини ўз вақтида ҳамда сифатли амалга ошириш зарур.

"Агротехсервистаъминотчи" МЧЖнинг марказий устахонаси шу кунларда ҳар қачонгидан гавжум. Устахонанинг кенг ҳовлиси техника воситалари билан тўла. Ишчилар ғалла ўриш комбайнлари, чопиқ тракторлари, экиш сеялкалари ва культиваторларни ўта синчковлик ҳамда қунт билан созлашиб, малакали таъмирлаш конвейери бунёд этишган. Конвейердан чиққан техникалар алоҳида бўяш-пардозлаш гуруҳи томонидан сифатли бўялмоқда.

— Туманимиз бўйича 47 та таъмирталаб комбайн, 350 та чопиқ трактори, шунча культиватор ва 120 та чигит экиш сеялкаси бор, — дейди "Агротехсервистаъминотчи" МЧЖ муҳандиси Анвар Юнусов. — Уларнинг ҳаммасини устахонамизга келтирганмиз. Кўп йиллардан буён таъмирлашни марказлашган ҳолда ташкил этиб, техникаларимизни баҳор ва ёз юмушларига бекаму кўст шайлашга эришяпмиз.

Устахонада 400 нафардан зиёд киши фаолият юритмоқда. Улар учун барча шароит яратилган. Таъмирлаш-созлаш ишларида жонбозлик кўрсатиб, ўз техникаларини барвақт ва сифатли созлашга эришаётган механизаторлар туман ҳокимлиги, жамият ва сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан рағбатлантирилиб бориляпти. "Шомат", "Машъал", "Соҳибқирон" ва "Қувноқ ота" фермер хўжаликларининг механизаторлари шундай мукофотларга сазовор бўлишди.

Ҳа, эртанинг ўйи — мўл ҳосил орзуси билан яшайдиган, бу йил бултурги ва олдинги йиллардагидан юксакроқ марраларга интиладиган деҳқон ва унга камарбаста ташкилотлар қиш фаслини ҳам иш фаслига айлантиришган.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд вилояти

## Элеватор имкониятлари ошди

**Пастдарғом туманидаги "Жума элеватори" акциядорлик жамиятининг кичик тегирмонида бир кеча-кундузда 37,5 тонна ун, омихта ем цехида 20 тонна чорва озуқаси ишлаб чиқарилади.**

2012 йилда корхона 26737 тонна буғдой, 77780 тонна арпа қабул қилиб олди. Йил мобайнида 1800 тоннага яқин ун тайёрланиб, унинг тенг ярми биржа савдоси орқали сотилди. Қолган маҳсулот эса нон ишлаб чиқариш корхоналарига етказиб берилди.

Бу ерда 2013 йил ҳосили учун 3524 тонна уруғлик ғалла тайёрланди.

Ишлаб чиқарилаётган омихта ем эса балиқчилик ва паррандачилик фермер хўжаликларига сотиляпти.

**Акбар ҚАРШИЕВ**

Сурхондарё вилояти

## Харидоргир маҳсулотлар

**Шўрчи туманидаги "Янги Оҳак Сифат" МЧЖнинг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ корхона маҳсулотлари тезда ўз харидорини топди. "Қишлоқ қурилиш банк"нинг туман бўлими томонидан берилган 85 миллион сўмлик кредит ҳисобига оҳак, алибастр, бўр каби қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

– Маҳсулот яхши ва сифатли бўлса, тезда харидорини топар экан, – дейди корхона раҳбари Каромат Улуғназаров. – Ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз қурилиш ташкилотлари ва якка тартибда уй-жой қураётган аҳоли томонидан пешма-пеш сотиб олинмоқда. Айни пайтда ҳар икки кунда 25-30 тоннага яқин қурилишбоп маҳсулот тайёрлашга эришяпмиз.

Корхона ҳисобидан Жойилма маҳалласини ободонлаштиришга беминнат молиявий кўмак йўналтириляпти. Хусусан, қишлоқ ички йўлларини таъмирлаш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда тадбиркор Каромат Улуғназаровнинг ҳиссаси катта. Асосийси, маҳаллада истиқомат қиладиган кўплаб кишилар ушбу корхонада тайёрланаётган сифатли ва нисбатан арзон қурилиш материалларидан ўзлари барпо этаётган биноларда фойдаланмоқда.

Корхонада фаолиятни янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш учун ҳаракат қилинмоқда.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**

Қашқадарё вилояти

## Ғузорда гўзаллик салони

**Ғузор тумани марказида замонавий услубда бунёд этилган гўзаллик салони иш бошлади.**

Тадбиркор Шавкат Чориев ташаббуси билан барпо қилинган ушбу мажмуада келинлар либоси, косметология, пардозлик бўлимлари орқали аҳолига намунали хизмат кўрсатилмоқда.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Сирдарё вилояти

# КЎП ҚИРРАЛИ, КЎП ДАРОМАДЛИ ФАОЛИЯТ

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони кўп тармоқли хўжаликни ривожлантиришнинг истиқболли йўлларини белгилаб берди.

Эндиликда фермер нафақат мулкдор, пахта, ғалла етиштирувчи, қолаверса, қайта ишлаш корхоналари, маиший ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари, уй-жой қурилиши ширкатларини ҳам ташкил этиб, қишлоқ инфратузилмасини тараққий эттирмоқдаки, бу турмушимизнинг янада обод бўлишига хизмат қилмоқда.

Гулистон туманида айни пайтда 8 та чорвачилик, 11 та балиқчилик, 4 та паррандачилик фермер хўжаликларининг фаолият кўрсатаётганлиги, уларнинг кучи билан 6 дан зиёд маиший ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчаларининг ишга туширилганлиги қишлоқ мулкдорларининг ҳар жабҳада самарали фаолият олиб бораётганидан далолат беради.

"Ҳимолай чўққиси сари" фермер хўжалиги раҳбари Илҳом Чўлпонов 130 гектар майдонда мўл пахта ва ғалла етиштириш баробарида, 1 гектар майдонда узумзор, 1 гектар майдонда иссиқхона, 6 мингта товуққа мўлжалланган паррандахона барпо этганди. Бугунги кунда иссиқхонада мўл сабзавот ва кўкатлар етиштирилиб, яхшигина даромад олиняпти. "Ломанн браун" зотли товуқлардан эса айни чоғда кунига 5 минг донадан тухум олиниб, туман аҳолиси ва шаҳарликлар дастурхони тўкинлигини таъминлаяпти.

Илҳомжоннинг укаси — фермер хўжалиги иш юритувчиси Баҳромжон Чўлпонов ҳам ўтган йили яна бир эзгу ишга қўл урди: у паррандачилик фермаси ҳовлисида сиғими 350 тонналик совиткич омборни ишга туширди. Омбор, аввало, зарур совитиш ускуналари билан жиҳозланди ва тадбиркор 2012-2013 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун 100 тонна мева, 15 тонна картошка, 10 тонна пиёз, 10 тонна полиз маҳсулотлари жамғариб қўйди. Замонавий совиткичлар билан таъминланган омборларда олмадан тортиб хурмогача кечагина боғдан узиб олингандек сақланаётир.

— Тадбиркорлик ишларини такомиллаштириб, бу йил фермер хўжалиги қошида мевани қайта ишлаш цехи барпо этамиз, — дейди Баҳромжон Чўлпонов. — Бундан ташқари, айни вақтда фаолият кўрсатаётган "Деҳқонобод зовури" хусусий корхонамизга яна битта экскаватор сотиб олиб, экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун фермер хўжаликларига кўмаклашамиз. Ана шу режаларимизни рўёбга чиқариш учун банкдан 200 миллион сўм кредит оляпмиз. Фаолиятимиз кенгайса, ишонч билан айтиш мумкинки, даромадимиз бундан ҳам ошиб, турмушимиз янада обод бўлади.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ҚИШЛОВДАГИ БОҒ

## У ҲАМ ЎЗИГА ХОС АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

**Мевали дарахтларнинг совуққа чидамлилиги унинг физологик ҳолати, ёши, ривожланишининг қандай кечиши ҳамда парваришдаги агротехник тадбирларга боғлиқ. Ўсимлик тўлиқ чиниқсагина, ҳар қандай совуққа бардош бера олади. Агарда ўсимлик ривожланиш даврини бир меъёрда кечирмаган бўлса, қиш совуғи қаттиқ бўлмаса ҳам совуқ уриши мумкин. Ривожланиши бир меъёрда кечмаслигининг эса омиллари кўп. Жумладан, кўклам ўта совуқ келиши, совуқ эрта тушиши, ёз қуруқ келиши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги ана шу омиллардан. Дарахтларни ҳам қишга тайёрлаш керак. Бу жараён ёз охирида бошланиб, бутун куз фаслида давом этади.**



Мевали дарахтлар совуққа чидамли бўлиши учун пайвандтагнинг таъсири катта. Шу боис, совуққа чидамли навларни бардошлиларининг шохи ёки танасига пайвандлаш лозим.

Боғни калийли ва органик-минерал озиқлантириш совуққа чидамлиликни оширса, фақат азотли ўғитлар бир неча баробар бардошсиз қилиб қўяди. Шунингдек, боғни куз фаслида камроқ суғориш тавсия этилади.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, азот ва фосфорли минерал ўғитлар ҳамда бор, марганец, рух эритмалари дарахтга пуркалса, унинг совуққа чидамлилиги бир мунча ортади. Бу эритмалар пуркалганда, ўсимликнинг ўсиш даврида озиқ моддалар яхши тўпланиб, унинг бардошлилигини оширади. Бироқ қишда мой суспензиясини пуркамаслик лозим. Акс ҳолда, қиш даврида ўсимликда кечадиган биокимёвий ҳимоя жараёнлари бузилиб, дарахтлар ёппасига қуриб қолиши мумкин.

Мевали дарахтлар яхши парвариш қилинмаса, қиш учун етарли озиқ модда тўплай олмайди. Натижада зараркунанда ва касалликлардан ҳимоялана олмайди. Кўп ҳосил берган дарахтларда ҳам қўшимча моддалар миқдори камайиб, совуққа чидамлилиги сусаяди.

Дарахтларнинг айри жойларида озиқ моддалар кам бўлади. Шу боис, ўша жойнинг совуққа бардоши етарли бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

*биринчидан,* нав танлашда эътибор керак. Ёки совуққа бардош беролмайдиган навларни совуққа чидамли навлар билан пайвандлаш зарур;

▼ АГРОМАСЛАҲАТХОНА

*иккинчидан*, боғ учун ажратилган ернинг паст жойларига совуққа бирмунча бардош бера оладиган навлар экилади. Қияликнинг баландроқ қисмига эса чидамсизроқ навларни экиш лозим. Атрофи берк паст ерларга чидамсиз навларни танлаш ярамайди. Совуққа чидамсиз дарахтларни ғарбий ва шимолий қияликларга экиш яхши натижа беради;

*учинчидан,* боғ учун яхши ишлов берилган ер танланиши керак. Агарда ер шўрхок бўлса, шўрга бардош берадиган пайвандтаг танлаш, ер ости сувини пасайтириш, дарахтнинг тез ўсишини таъминлайдиган ҳамда унинг кузги ўсишини тўхтатадиган бошқа тадбирларни амалга ошириш зарур;

*тўртинчидан,* дарахтларни бироз қалинроқ жойлаштириш керак. Шунда совуқнинг таъсири камаяди. Боғнинг шамол келадиган томонига кўп қаторли иҳота дарахтзорларини барпо этиш ҳам яхши натижа беради;

*бешинчидан,* танланган пайвандтаг мева ҳосилини ошириш, яхши ривожлантириш билан бирга, кузги ўсишини ўз вақтида тўхтатадиган бўлиши керак.

Дарахтлар қиш бошлангунича яхши чиниқиб олиши учун суғориш, ўғитлаш, шох-шаббасини кесиш, ерга ишлов бериш каби агротехник тадбирлар ўсиш даврининг биринчи ярмидаёқ тўлиқ амалга оширилиши лозим. Боғни кечиктириб суғориш ва ёзда азотли ўғит бериш кузги ўсишдан тўхтатмайди. Натижада дарахтлар совуққа бардош бера олмайдиган бўлиб қолади. Яхшиси, совуққа чидамсиз дарахтларнинг қатор ораларини шудгор қилган маъқул. Уларни азот, фосфор, калий ва микроэлемент эритмаларини пуркаш йўли билан ўғитлаш зарур. Совуққа чидамсиз дарахтларни кўкламга яқин кесиш тавсия этилади.

**Кароматхон МАМАТОВА,**
**агроном.**

---

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**ПРОФЕССОРЛАР:**

**1.** Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси;
**2.** Ветеринария кафедраси;
**3.** Бухгалтерия ҳисоби кафедраси;

**ДОЦЕНТЛАР:**

**1.** Ветеринария кафедраси;
**2.** Бухгалтерия ҳисоби;
**3.** Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари кафедраси;
**4.** Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси;

**КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:**

**1.** Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси;
**2.** Ипакчилик кафедраси;

Ассистентлар:

**1.** Деҳқончилик ва мелиорация кафедраси;
**2.** Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари кафедраси;

**ЎҚИТУВЧИЛАР:**

**1.** Инглиз тили кафедраси;

*Танлов учун ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 2013 йил 15 февралга қадар қабул қилинади.*

**Талаб қилинадиган ҳужжатлар:** Ректор номига ёзилган ариза, сўровнома, таржимаи ҳоли ва мазкур кафедрада ишлаш учун тегишли олий маълумоти ҳақидаги дипломи ва қатнашувларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалар.

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов лекциялари (мазкур олий таълим муассасаси ўқитувчилари учун — очиқ машғулотлар) ўтказилади. Синов лекциялари ва очиқ машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади.

Илгари ўзлари эгаллаб турган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради.

**Ҳужжатлар қуйидаги манзилга топширилади:**

100140, Тошкент-140, Тошкент давлат аграр университети, бош бино, 3-қават, ходимлар бўлими. Телефон: 260-46-80.

---

*Вниманию организаций и предприятий!*

## В РАНЕЕ ОБЪЯВЛЕННЫХ КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ В ГАЗЕТЕ «КИШЛОК ХАЁТИ» ЗА № 1 ОТ 1.01.2013 Г. СТАРТОВЫЕ СТОИМОСТИ ОБЪЕКТОВ ЧИТАТЬ ТАК:

Строительство здания общежития на 400 мест проживания студентов на территории Термезского Государственного университета в городе Термезе Сурхандарьинской области;

Стартовая стоимость объекта: 5 193 002 918 сум с учетом НДС, 4 327 502 432 сум без учета НДС

Строительство информационного ресурсного центра Термезского Государственного университета в городе Термезе Сурхандарьинской области;

Стартовая стоимость объекта: 4 283 512 219 сум с учетом НДС, 3 569 593 516 сум без учета НДС

○ Эълонлар

---

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар диққатига!*

## НОРИН-ҚОРАДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҲАМДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ “ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ” ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БУЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Буюртмачи:** Андижон вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.

**(Андижон шаҳар Навоий кўчаси 45-уй, Тел (998 74) 224-19-97, 224-31-64.**

**1. Андижон шаҳар Бобур шоҳ кўчасидаги АДТИ клиникаси бино ва иншоотларини мукаммал таъмирлаш.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **455 172 500 сўм.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) – **379 310 417 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **90 кун.**

**Молиялаштириш манбаси:** Бюджетдан ташқари умумтаълим ва тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

**Қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.**

**Буюртмачи:** Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси (Андижон шаҳар Пирмухаммедов кўчаси 7а уй) Тел (998 74) 237-39-14, 237-53-42.

**2. Бўз тумани Вп.Қозикўрғон коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш**

Иншоотнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) – **440 487 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **270 кун.**

**3. Марҳамат тумани Ўқчи коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) – **455 666 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **240 кун.**

**4. Андижон тумани Хакан ташлама коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) – **393 553 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **150 кун**

**5. Андижон тумани Қоракий коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) – **493 664 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **250 кун.**

**6. Балиқчи туманидаги Замбаркўл-1 коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) – **1 998 677 000 сўм.**

Шундан 2013 йил учун ажратилган маблағ – **1 100 000 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **650 кун.**

**7. Олтинкўл туманидаги Замбаркўл коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) – **858 581 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **300 кун.**

**8. Шахрихон туманидаги Дўлан-1 коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) – **950 966 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **300 кун.**

**9. Шаҳрихон туманидаги Қатортол коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) – **306 721 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **150 кун.**

**10. Бўз туманидаги Абдусамат коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) – **1 010 870 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **300 кун.**

**11. Марҳамат туманидаги Ғарбий коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) – **794 225 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **270 кун.**

**12. Жалақудуқ туманидаги Қолгансой коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) – **1 617 454 000 сўм.**

Шундан 2013 йил учун ажратилган маблағ – **1 000 000 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **450 кун.**

**Молиялаштириш манбаси:** Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан

Ушбу иншоотларга танлов савдо (тендер)ларини ўтказишда кичик бизнес субъектларининг квота миқдори 35% ни ташкил қилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Андижон ш. Чинобод кўчаси, 59-уй, тел.-факс 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: 70 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати, офёрталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган кундан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

---

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ТУРАН КИМ-ЗЫЯТ САУДАСЫ» МЧЖ РИЭЛТОРЛИК КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН 2013 ЙИЛ 18 ФЕВРАЛЬ, 25 МАРТ, 23 АПРЕЛЬ, 22 МАЙ, 21 ИЮНЬ, 20 ИЮЛЬ, 19 АВГУСТ, 22 НОЯБРЬ ВА 21 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 11:00 ДА ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНИ ҲОКИМИЯТИ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДАГИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР МАЙДОНЛАРИ САВДОГА ҚЎЙИЛАДИ.

**Бўстон шаҳри бўйича тубандаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларининг ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 138 000 сўм.**

**1.** Истиқлол кўчаси 87-кварталидан №9 ер ўрни. 2. Ҳ.Олимжон кўчаси 82-кварталидан №29А ер ўрни.

**Элликқалъа тумани бўйича тубандаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларининг ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 119 040 сўм.**

**1.** Тозабоғ овули «Маданият» аҳоли пункти 98,152-контуридан №4 ер ўрни. **2.** Тозабоғ овули «Жеткеншек» аҳоли пункти 1108-контуридан №1 ер ўрни. **3.** Тозабоғ овули «Жеткеншек» аҳоли пункти 1120,1043-контуридан №4 ер ўрни. **4.** Тозабоғ овули «Жеткеншек» аҳоли пункти 754-контуридан №6 ер ўрни. **5.** Тозабоғ овули «Қизиляримой» аҳоли пункти 823-контуридан №1 ер ўрни. **6.** Тозабоғ овули «Қизиляримой» аҳоли пункти 824-контуридан №2 ер ўрни. **7.** Тозабоғ овули «Қизиляримой» аҳоли пункти 602-контуридан №3 ва 6 ер ўринлари. **8.** Тозабоғ овули «Қизиляримой» аҳоли пункти 537-контуридан №9, 10, 11, 12, 13, 14, 15 ва 16 ер ўринлари. **9.** Тозабоғ овули «Қизиляримой» аҳоли пункти 820-контуридан №11ер ўрни. **10.** Қирққиз овули «Қирққизобод» аҳоли пункти 826-контуридан №1, 2, 3, 4, 5 ва 6 ер ўринлари. **11.** Қирққиз овули «У.Юсупов» аҳоли пункти 1610, 1597-контуридан №4 ер ўрни. **12.** Қирққиз овули «Оқ-олтин» аҳоли пункти 1479-контуридан №1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17 ва 18 ер ўринлари. **13.** Қирққиз овули «Бургутқалъа» аҳоли пункти 934,1021-контуридан №1 ер ўрни. **14.** Қирққиз овули «Беруний» аҳоли пункти 1530-контуридан №9 ер ўрни. **15.** «Қирққиз» овули «Беруний» аҳоли пункти 1752-контуридан №10,13,14 ва 15 ер ўринлари. **16.** Қирққиз овули «Беруний» аҳоли пункти 1500-контуридан №16 ер ўрни. **17.** Қилчиноқ овули «Файзиобод» аҳоли пункти 785-контуридан №1 ва 2 ер ўринлари. **18.** Қилчиноқ овули «Араб» аҳоли пункти 744,737-контуридан №1, 2, 5, 6 ва 7 ер ўринлари. **19.** «Қилчиноқ» овули «Қилчиноқ» аҳоли пункти 331-контуридан №1 ва 2 ер ўринлари. **20.** Қилчиноқ овули «Қилчиноқ» аҳоли пункти 269-контуридан №3 ер ўрни. **21.** Қилчиноқ овули «Қилчиноқ» аҳоли пункти 784-контуридан №1, 2, 3 ва 4 ер ўринлари. **22.** Гулдурсин овули «Дошқалъа» аҳоли пункти 820,926-контуридан №9 ер ўрни. **23.** Дўстлик овули «Метар ери» аҳоли пункти 125-контуридан №1 ер ўрни. **24.** Дўстлик овули «Метар ери» аҳоли пункти 142-контуридан №2,3 ва 4 ер ўринлари. **25.** Дўстлик овули «Метар ери» аҳоли пункти 101-контуридан №5 ер ўрни. **26.** Дўстлик овули «Метар ери» аҳоли пункти 112-контуридан №8 ер ўрни. **27.** Дўстлик овули «Чарчи» аҳоли пункти 350,354-контуридан №6, 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15 ва 16 ер ўринлари. **28.** Дўстлик овули «Чарчи» аҳоли пункти 349-контуридан №17 ва 18 ер ўринлари. **29.** Навоий овули «Ўзбекистон» аҳоли пункти 815-контуридан №9 ер ўрни. **30.** Амиробод овули «Тўртдевор» аҳоли пункти 121-контуридан №1, 8 ва 11 ер ўринлари. **31.** Сарибий овули «Сувхорози» аҳоли пункти 421-контуридан №2, 3, 4, 6, 7 ва 8 ер ўринлари. **32.** Сарибий овули «Юзукчи» аҳоли пункти 115-контуридан №4 ер ўрни. **33.** Сарибий овули «Юзукчи» аҳоли пункти 99-контуридан №20 ер ўрни. **34.** Сарибий овули «Юзукчи» аҳоли пункти 261, 207-контуридан №24 ер ўрни. **35.** Сарибий овули «Тома» аҳоли пункти 520, 526-контуридан №4 ер ўрни. **36.** Сарибий овули «Поп» аҳоли пункти 149,154-контуридан №6 ва 7 ер ўринлари. **37.** Сарибий овули «Ваисхўжа» аҳоли пункти 325, 326, 296-контуридан №1, 2, 3, 4, 5, 6, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15 ва 16 ер ўринлари. **38.** Элликқалъа овули «Пахтакор» аҳоли пункти 1392-контуридан №41 ва 42 ер ўринлари. **39.** Элликқалъа овули «Пахтакор» аҳоли пункти 1409-контуридан №33, 37 ва 38 ер ўринлари. **40.** Гулистон овули «Янгибоғ» аҳоли пункти 2672-контуридан №1, 2, 3, 4 ва 5 ер ўринлари. **41.** Гулистон овули «Янгибоғ» аҳоли пункти 2756-контуридан №6, 7, 8, 9, 10 ва 11 ер ўринлари. **42.** Гулистон овули «Янгибоғ» аҳоли пункти 2584-контуридан №12, 13 ва 14 ер ўринлари. **43.** Гулистон овули «Янгибоғ» аҳоли пункти 1971-контуридан №15, 16, 17 ва 18 ер ўринлари. **44.** Гулистон овули «Янгибоғ» аҳоли пункти 1537-контуридан №19, 20, 21, 22 ва 23 ер ўринлари. **45.** Гулистон овули «Қирққиз» аҳоли пункти 1871,1875-контуридан №1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 ва 8 ер ўринлари. **46.** Гулистон овули «Қирққиз» аҳоли пункти 1693, 1698-контуридан №9, 10, 11, 12, 13 ва 14 ер ўринлари. **47.** Гулистон овули «Туркмановул» аҳоли пункти 1460-контуридан №1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19 ва 20 ер ўринлари.

**Бўстон шаҳри бўйича тубандаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкасининг сатҳи 600 кв.м. бўлиб, бошланғич баҳоси 20 700 сўм.**

**1.** Чўлқувар кўчаси 46-кварталидан №6 ер ўрни.

**Элликқалъа тумани бўйича тубандаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларининг ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 14 880 сўм.**

**1.** Тозабоғ овули «Қизиляримой» аҳоли пункти 583,658-контуридан №24 ер ўринлари. **2.** Гулдирсин овули «Аширтом» аҳоли пункти 117, 118-контурларидан №1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 16, 17, 18, 19 ва 20 ер ўринлари. **3.** Навоий овули «Қоракўл» аҳоли пункти 1399-контуридан №79 ер ўрни. **4.** Навоий овули «Навоий» аҳоли пункти 1677-контуридан №9, 10, 19, 27 ва 28 ер ўринлари. **5.** Амиробод овули «Ўрнак» аҳоли пункти 821-контуридан №66 ва 76 ер ўринлари. **6.** Амиробод овули «Ўрнак» аҳоли пункти 828-контуридан №1 ва 35 ер ўрни. **7.** Амиробод овули «Коинот» аҳоли пункти 280-282-контурларидан №7, 8, 9, 10, 11, 16, 17 ва 21 ер ўринлари. **8.** Элликқалъа овули «Пахтакор» аҳоли пункти 1378-контуридан №33 ва 35 ер ўринлари. **9.** «Элликқалъа» овули «Охунбобоев» аҳоли пункти 1671, 1672-контурларидан №10 ер ўрни. **10.** Элликқалъа овули «Чайка» аҳоли пункти 114-контурларидан №16 ер ўрни. **11.** Элликқалъа овули «Чайка» аҳоли пункти 90, 124-контурларидан №1 ер ўрни. **12.** Сарибий овули «Думанқалъа» аҳоли пункти 406,412-контурларидан №8, 12, 20, 21, 22, 23 ва 24 ер ўринлари. **13.** Сарибий овули «Думанқалъа» аҳоли пункти 433, 375, 346-контурларидан №25, 26, 27, 28 ва 29 ер ўринлари. **14.** Сарибий овули «Думанқалъа» аҳоли пункти 786, 750-контурларидан №34, ва 42 ер ўринлари. **15.** Ақчакўл овули «Янгиобод» аҳоли пункти 499-контуридан № 2 ер ўрни. **16.** Гулдирсин овули «Қумбосган» аҳоли пункти 664-контуридан №1, 2, 4, 5 ва 7 ер ўринлари. **17.** Гулдирсин овули «Янгиариқ» аҳоли пункти 258-контуридан №2,3 ва 4 ер ўринлари. **18.** Қилчиноқ овули «Пахтачи» аҳоли пункти 785-контуридан №10 ер ўрни. **19.** Қилчиноқ овули «Бердақ» аҳоли пункти 644-контуридан №53 ва 54 ер ўринлари. **20.** Дўстлик овули «Адил» аҳоли пункти 493-контуридан №2 ер ўрни. **21.** Шарқ юлдузи овули «Шарқ юлдузи» аҳоли пункти 33, 34, 37-контуридан №14, 15, 16 ва 17 ер ўринлари. **22.** Шарқ юлдузи» овули «Бинокор» аҳоли пункти 1043-контуридан №2, 3, 4 ва 5 ер ўринлари. **23.** «Қирққиз овули «Қирққизобод» аҳоли пункти 739-контуридан №5 ер ўрни. **24.** Қирққиз овули «Қирққизобод» аҳоли пункти 773,776-контуридан №7, 8, 9, 10, 11 ва 18 ер ўринлари. **25.** Қирққиз овули «Наврўз» аҳоли пункти 1486-контуридан №3 ва 4 ер ўринлари. **26.** Қирққиз овули «Улуғбек» аҳоли пункти 1667-контуридан №18, 19 ва 20 ер ўринлари. **27.** Қирққиз овули «Улуғбек» аҳоли пункти 1700-контуридан №15 ва 16 ер ўринлари. **28.** Тозабоғ овули «Тоза Амиробод» аҳоли пункти 854-контуридан №5 ер ўрни. **29.** Тозабоғ овули «Ғишт заводи» аҳоли пункти 538-контуридан №3, 7 ва 8 ер ўринлари. **30.** Тозабоғ овули «Ғишт заводи» аҳоли пункти 827-контуридан № 17 ер ўрни. **31.** Тозабоғ овули «Қизиляримой» аҳоли пункти 498-контуридан №5 ер ўрни. **32.** Тозабоғ овули «Қизиляримой» аҳоли пункти 814-контуридан №7 ер ўрни. **33.** Тозабоғ овули «Қизиляримой» аҳоли пункти 818-контуридан №8 ер ўрни. **34.** Навоий овули «Беш том» аҳоли пункти 587, 588-контуридан №1,2 ва 3 ер ўринлари. **35.** Навоий овули «Мустақиллик» аҳоли пункти 1342,1344-контуридан №3 ер ўрни. **36.** Навоий овули «Прогресс» аҳоли пункти 87-контуридан №11 ва 12 ер ўринлари. **37.** Элликқалъа овули «Пахтакор» аҳоли пункти 1387-контуридан №16 ер ўрни. **38.** Элликқалъа овули «Чайка» аҳоли пункти 110,111-контуридан №12,13 ва 14 ер ўринлари. **39.** Гулистон овули «Қирққиз» аҳоли пункти 1738-контуридан №6, 7, 8, 9 ва 10 ер ўринлари. **40.** Гулистон овули «Қирққиз» аҳоли пункти 1772,1775-контуридан №2 ер ўрни. **41.** Гулистон овули «Истиқлол» аҳоли пункти 824-контуридан №2 ер ўрни. **42.** Гулистон овули «Истиқлол» аҳоли пункти 819-контуридан №5, 6, 7 ва 8 ер ўринлари. **43.** Буханмерей овули 286, 290-контуридан №37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52 ва 53 ер ўринлари. **44.** «Буханмерей» овули 292,298-контуридан №14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35 ва 36 ер ўринлари. **45.** Буханмерей овули 340-контуридан №12 ва 13 ер ўринлари. **46.** Буханмерей овули 346,348-контуридан №1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 ва 21 ер ўринлари.

Аукцион савдода қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9-00 дан 18-00 гача Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри Амир Темур кўчаси 112 А уй, Давлат мулк қўмитаси биноси, 1-қават 117-хонада қабул қилинади. Хоҳловчилардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш Аукцион савдоси ўтказилиш вақтидан 1 кун олдин соат 18-00 да тўхтатилади. Хоҳловчилар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдорида «Туран Ким-зыят саудасы» МЧЖ ОАТБ «Турон банк» Нукус филиали ҳ/р: 2020 8000 9047 9270 1001, МФО: 00585, ИНН: 301 273 292. Закалат пули тўлашлари шарт. Ишонч телефони: (8-361) 222-00-84.

